

ҳал бўлмаган масалаларни
суслида тўхталди. Унинг ф
рича, жумладан, корхон
ларда илмий-техника
мийятлари кенгайтири билан
нат коллективизм кенгайти
тасиданги ўзаро алоқа
ҳали яхши бўлга қўйил
ган. Ишчининг сузалар
қараганда ўзаро буюртмал
ва ўзаро мажбуриятлар қ
жиҳатлиги учун асос бў
ши мумкин.

Бир қанча нўтқларда ф
техника зёиллари ва иш
қчиариш новаторларини
ялғи икјодий союзи — СС
илмий ва инженерлик т
мийятларини тузиш тўғриси
ги голнинг ўз вақтида қ
риллаётганлиги таъкидлан
Бу инженерлар меҳна
нинг обу-этиборини о
ради, бу меҳнат самарад
лигини ва қайта қуриш
инженерлар қўшадиган ҳ
сасини қўпайтиради.

Съезд ўз иштини давом
тирмоқда.

(ТАСС)

КУКЛАМ ЯҚИН, ШАЙМИСИЗ?

Косон районидagi Эн-гелс номи совхоз деҳқон-лари ўтган йили давлатга пахта сотиш пиланини Қаш-қадарь областида биринчи бўлиб адо этишганди. Улар қабул пунктига 6430 тонна ўрнига 7462 тоннадан зиёд «оқ олтин» топширишди. Хўжалик пахтакорлари Бу-тунитифоқ XIX партия конференцияси очилганидан йилда гектарлар самарадор-

амал қилинаётди. Бу ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам намини узоқ сақлаш, шўрни қочириш имконини беради. Ленин номи сов-хознинг Тўйчи Сафаров бошлиқ звеносида ўтказилган семинарда область сув хў-жалиги ишлаб чиқариш бош-қармаси мутахассислари то-монидан аҳоли беришдаги ян-ги усул — баланд пол олиб сув бостириш амалда кўр-

● **КУКЛАМ ТОБОРА ЯҚИНЛАШМОҚДА. ЭКИШ МАВСУМИГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК ҚУ-РАЙЛИК!**
● **ТЕХНИКА РЕМОНТИНИ ТЕЗ ВА СОЗ АМАЛГА ОШИРИШ — ШУ КУННИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ**
● **ШҲР ЮВИШ, АРИҚ-ЗОВУРЛАРНИ ТОЗА-ЛАШ ИШЛАРИНИ ТЕЗРОК ТУГАТИБ, ЭКИШ МАВСУМИГА СИФАТЛИ УРУҒЛИК ТАЙЕРЛАБ ҚУЯЙЛИК**



ПУХТА ЗАМИН

лигини янада ошириш маж-буриятини оlishgan. Шу мақсадда янги кўнларда қишлоқ экиш кампаниясига пухта ҳозирлик қилинган. Сугорили шохобчалари, ариқ ва зовурлар тартибга кел-тирилган. Барча карталарда пол олиниб, шўр ювиш да-вом эттирилади. Айнисқа далага маҳаллий ўғит та-шиб чиқариш ишлари авж олдирилган. Ҳозиргача экин майдонларига 10 минг тоннадан зиёд ўғит ташиб чиқаришди.

Колхоз ва совхозлардаги мавжуд 2111 та трактор-нинг 90 проценти, 500 дан зиёд селла, 4536 та боро на ишга ҳозирлаб қўйилган. Техника ёрдамида 8 минг гектар ерда пушта олинмоқ-да.

— Янги ҳосилга тайёр-гарлик жараёнида агро-ноат комплекси кадрлари составини ҳам қайта кўриб чиқилган, — дейди район партия комитетининг иккин-чи секретари Э. Турсунку-лов. — Хўжаликларнинг 600 га яқин бригада ва бў-лиқ бошлиғи аттестациядан ўтказилган. Шунингдек, ула-қисқа муддатли курсларда ўқитилган. Пахтакорларимиз бу йил биринчи марта ола-вий пудрат асосида 29 минг гектар ерда деҳқончилик қи-лади. Мақсадимиз — Ватан хазинасига 56,600 тонна «оқ олтин» етказиб беришдан иборат.

М. КАРОМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мух-бири.

Муҳим иш кечикмасин

Сара уруг мўл ҳосилнинг асосий омилларидан бири эканлиги деҳқончилик таж-рибасидан маълум. Тадбир-кор деҳқон уруғлигини бар-вақт ҳозирлаб қўйди. Унинг юқори сифатли бўлиши тў-ғрисида ҳаммуҳим қилади.

Хоразм областида тўртта элита уруғлиги хўжалик ташкил этилган. Бойот рай-онидagi Нарманов номи, Гулран районидagi «Комму-на», Хонка районидagi Охун-бобоев номи, Урганч райо-нидаги Ленин номи колхоз-да уруғлик пахта тайёрлаш-да яхши натижаларга эри-шилди. 6 та пахта заводида уруғчилик лабораторияси ишлаб турибди. Кейинги даврда ўрнатилган уруғлик-ни сараловчи машиналарнинг бевуқсон ишлаши таъмин-ланган.

Янгиариқ ва Гулран пахта заводларида уруғлик чигит-ни тозалаш ва саралаш на-мунали ташкил этилган. Аммо кўпчилик заводларда бу муҳим ишнинг кечики-шига йўл қўйилмоқда. Об-ласт бўйича 12,7 минг тонна уруғлик чигитни қай-та ишлаш планлаштирилган. Аммо 28 январгача бу топ-ширининг янги адо этил-ди, ҳолос. Қўшқирли пахта заводида 1642 тонна ўрнига элигинга 150 тонна уруғлик

зиб берса, эртага уни қай-тартиш керак-ку! Уруғлигини хўжаликнинг ўзига тайёр-лашнинг бошқа афзалликлари ҳам бор. Уруғнинг си-фатли ва ишончли бўлиши таъминланади. Бундан таш-қари шолнинг чигитидан ферма эҳтиёжи учун фой-даланиш мумкин. Хонка рай-онидagi Ал-Хоразмий номи совхоз, Гулран районидagi «Коммунизм» колхоз таж-рибаси бунинг афзаллигини кўрсатиб турибди. Лекин яхши тажриба кўпчилик кол-хоз ва совхозларга бориб ет-маган.

Област хўжаликларига маккашўхори, картошка уруғи ҳозирлашда ҳам сус-тақиллик ҳол соғирмоқда. Ай-рим раҳбарлар уруғлик фон-дини ташиб олиш ва етказиб беришни кечиктириш экин-ни ўз вақтида ўтказишга салбий таъсир этишини уну-тиб қўймоқдалар.

Кўктам эшик қоқмоқда. Област агроноат комите-ти ва РАПОларнинг масъул ходимлари хўжаликларнинг мустақам уруғлик фондига эга бўлишини тезлатиш учун таъсирчан, оператив чораларни қўришлари лозим.

Ф. ЗОХИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мух-бири.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИДА УРУҒЛИК ТАЙЕРЛАШГА ЕТАРЛИ ЭЪТИВОР БЕРИЛМАЭТИР

Сирдарё районидagi Ил-ъич номи колхознинг марказий устаноси қошида тўрт ойлик механизаторлар тайёрлаш кур-си очилди. Бу курсда ёшлардан

25 киши билим олмоқда. Бў-лажик механизаторларга таж-рибали инженер Амир Алиев техника сирларини ўргатмоқда. Булар ўқишни тугатгандан

кейин колхоз далагарига чи-қиб, техника рулларини бош-қаришди. Райондаги «Ўзе-бекистон» колхоз устаноси қо-шида ҳам шундай курс иш бошлади.

Ю. АБДУЛИМОВ.

БЎЛАЖАК МЕХАНИЗАТОРЛАР

Сирдарё районидagi Ил-ъич номи колхознинг марказий устаноси қошида тўрт ойлик механизаторлар тайёрлаш кур-си очилди. Бу курсда ёшлардан

25 киши билим олмоқда. Бў-лажик механизаторларга таж-рибали инженер Амир Алиев техника сирларини ўргатмоқда. Булар ўқишни тугатгандан

кейин колхоз далагарига чи-қиб, техника рулларини бош-қаришди. Райондаги «Ўзе-бекистон» колхоз устаноси қо-шида ҳам шундай курс иш бошлади.

Ю. АБДУЛИМОВ.

ОИЛАВИЙ ПУДРАТГА ТАЯНИБ

Наманган областидаги «Гулбоғ» совхоз коллекти-ви шу йилнинг ўзига ўз ха-ражатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи пул билан таъмин-лашга ўтиб ишлайдиган бўл-ди.

Совхоз пахтакорлари хў-жалик ҳисоби шароитида иш-лаб, анча тажриба ортти-рган бўлсалар, лекин чорва-дорлар соҳани фақат ўтган йилдаги қолоқидан олиб чиқдилар, натижада 200 минг сўм фойда олдилар. Бу муваффақиятга пудрат асосида ишлайдиган ола-вий звеноларини ташкил этиш, оғир меҳнат жараёнларини механизациялаш ва озуқа базасини мустақамлаш ҳи-соби эришилди.

Ўйроқ хўжаликда асосан пахта экилганлиги, алмаш-лаб экишга риоя қилина-ганлиги натижада бош-қа соҳалар оқарда қолган эди. Бу ерда 73 процент майдонга пахта экилди. Шу сабабли еш-хашак тайёр-лаш муда қимматга тушар, чорвачилик маҳсулотлари таннаҳи пайсамизди. Энди-лика беда, лоз, шунингдек сабзавот экилган майдон-ларни қўйиштириш ана шу аҳолидан чиқилиши бир-дан-бир йўли, деб билимқо-лар.

(ЎзТАГ).

Дунё воқеалари

ДЎСТЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

Совет Иттифоқи билан Ру-миния ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома имзо-ланган кунга бугун 40 йил тўлди. Бу шартнома қардош-ларига совет-румин муноса-батларини давлат ҳужжати билан мустақамлашди, инка-ла мамлакат ўртасидагина ҳам тенг ҳуқуқли ҳар тараф-лама ҳамкорлигини ривожлан-тириш учун чексиз имкони-ят яратди.

Руминия Халқ Республика-сида эълон қилинган ва мам-лакатда кўп сонли итисоди-ий ислохотлар амалга оши-ра бошлангандан кейин сал-фурсат ўтмай, шу шонли ре-акция кучлари Ғарбдаги импе-риалистик давлатлардан ма-дад олган ҳолда бу ислохот-ларга тиш-тириш билан қарши чиқилди. Шунинг учун ҳам 1948 йилнинг 4 февралда имзоланган шарт-нома Руминиянинг ички иш-

ларига империалистик доира-ларнинг ўзбошимчилик билан аралашувида халос қилди.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет — Руминия шартно-маси мамлакатларимиз ўр-тасидаги ҳозиргача давом этиб келаятган ҳар томон-лама кенг алоқаларнинг бошланғичидир. Совет Ит-тифоқининг Руминияга кўр-сатган дўстона ва ҳолисона ёрдами унинг уруш вайрон қилган экономикасини тик-лашга қўмаклашди. Бу ҳуж-жат икки қардош мамлакат-нинг миллий ва интернаци-онал манфаатларига тўла мос эканлигини алоҳида таъкид-лаш ўринлидир. Ўтган йил-лар мобайнида СССР ва бошқа қардош социалистик давлатлар билан ҳамкорлик шарофати тўғрисида Руминия санаоти тараққий этган ва халқро майдонда муҳим роль ўйнаётган мамлакатга айланди.

Мамлакатларимиз ўрта-сидаги муносабатларга 1948 йилда асос солинган ва у 1970 йилги янги шартнома-да янада юксак поғоналарга кўтарилган эди. Ҳозирги кунда бу алоқалар иқтисоди-ий ҳамкорлик соҳаларида, айнисқа ёрқин намоён бўл-моқда. Совет-Руминия савдо-сотиқ ҳажми тўхтовсиз кў-пайиб борапти. Ўтган йил-да ўзаро товар айирбошлаш янада равақ топти. 2000 йилгача даврга мўлжаллан-ган иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлигининг узоқ муддатли программаси экономика соҳасидаги ало-қаларни кенгайтириш ва са-марадорлигини ошириш учун кенг имкониятлар очди.

КПСС билан РНП ўр-тасидаги алоқаларни доимо мустақамлаш кўп томон-лама Совет — Руминия му-носабатларини чуқурлаш-тириш ва кенгайтиришда му-ҳим роль ўйнамоқда. Икки

ТЕЛТАЙП ЛЕНТАСИДАН

АЛОҚАЛАР ТУХТАТИЛДИ

Корея яраш юзасидан ҳар-бий комиссиядаги 2 феврал-да АҚШ томон секретари Кореяда агрессия чоғида ҳалок бўлган Америка ҳар-бий хизматчиларининг ҳо-лини қайтартиш тўғрисидаги масала ҳусусида норасмий шахсий алоқалар тўхтатиш-ни хабар қилди. Америка то-мон тегишли илтимос билан шу йил 28 январь кун КХДР вакилига мурожаат қилган эди.

ЦТАК агентлиги тарқат-ган хабарда алоқаларнинг тўх-татилиши учун бугун масъули-и Америка томонига тушди, деб таъкидланади. АҚШ ва Жанубий Корея меймунлари Жанубий Корея пасажир са-молининг ҳалокати муноса-бати билан КХДР шаънига асо-сиз алоқалар қўймоқдалар. Америка меймунлари КХДРни «террорчи давлат» деб эълон қилиб, КХДР мустақиллигига таълуқли, республика шани-и ҳақоратловчи тусдаги бир қанча камситувчи чора-тадбир-ларни кўрди.

Қўшма Штатлар КХДРга қарши кўпуровчилик хатти-ҳе-ректларини тўхтатмас ва кам-ситувчи чора-тадбирларни бе-кор қилмас эканлар, алоқа-ларни тиклаш тўғрисидаги ма-сала ҳал бўлмай қолаверди, де-лигининг хабариди.

Делегация билан учрашув

Америка жамоатчилиги-нинг намоёнлари АҚШда-ги энг кенс миллий геогра-фия жамайти биносида СССР маданият министри В. Г. Захаров бошчилигидаги Со-вет делегациясини хушнуд-лик билан кутиб олдилар.

Мазкур учрашув СССР билан АҚШ ўртасида мадани-ят, техника ва маориф со-ҳасида тажриба алмашиш ҳусусида биринчи шартнома имзоланганлигини 30 йил-лигига бағишланган фото-қўрғазмнинг очилиши му-носабати билан ўтказилди. СССР делегацияси Қўшма Штатларда бўлган чоғида Со-вет — Америка муносабат-лари проблемаларига ба-ғишланган семинар ишида иштирок этди. Бу семинар-ни уюштиришда СССР билан АҚШ ўртасида маданият, техника ва маориф соҳала-рида ўзаро тажриба алма-

ишши тўғрисидаги биринчи битимнинг имзоланишига 30 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар доирасида Ёйенхуаэр номи-даги жаҳон проблемалари институти бош-қош бўлди. Ушбу анжуман Пенсильва-ния штатидаги Геттисберг шаҳрида ўтди.

КОВУЛ УҚҚА ТУТИЛИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАДИ

Бахтар агентлигининг хабар қилишича, Афғонистон хавф-сизликл органиларнинг ходи-ми Афғонистон пайтахтини аҳоли яшайдиган районла-ри ўққа тутилишини олдин-олдилар. Улар Ковул ўққа-тида тоғда 12 та ракетани ва ута портлатувчи қурилмани тоғдан олдилар.

Утган ҳафтадан салкам 20С кишидан иборат 8 та курол-ли группа халк ҳокимияти то-монига ўтди. Улар топширган куроллар орасида — тепикси-з тулпар, миниметлар, гранато-метелар, станокли пулеметлар бор. Етти кун мобайнида Эрон ва Покистондан 190 на-фер афғон юртига қайтиб кел-ди. Президентнинг афғи ум-ий тўғрисидаги фармониға биноан Бах, Кундуз ва Ко-бул вилоятларнинг қамқоқчи-наларидан 228 киши бўшатиб юборилди.

(ТАСС).

И. МИРЗАЕВ,
Алишер Навоий номида-ги Самарқанд давлат университети доценти.

• Биз интернационалистлармиз

САОДАТЛИ КУНЛАР

САМАРҚАНД «КРАСНИЙ ДВИГАТЕЛЬ» ЗАВОДИ ИШЧИСИ ХАЛИДЕ ВАЛИУЛЛАЕВА ҲАЁТИДАН УЧ ЛАВҲА

БИРИНЧИ КУН

У ҳали мактабда ўқирди. Уйга келса опалари Айниса ва Алие қаергадир чиқиб кетган экан. Халиде сумкасини эшик ёнига қўйди-да, заводга борди. Қоровул уни ичкари киритмади.

— Бу ерда катталар ишлайди, сента нима бор? — деди у.

— Мен калитга келувдим. Онам Надиё Исмоилова шу ерда ишлайди.

— Ҳа, сен Муртазо аканинг қизимсан? У кишини ҳамма яхши танийди. Обрўли ишчи, мастер бўлиб ҳам кўпчилигининг ҳурматини қозонди. Онам ҳам ажойиб ишчи.

— Аммо қизим, сени ичкарига киритолмайман. Техника хавфсизлиги шуни талаб қилади. Ҳамма ёқда темир-терёк, шовкин-судон, ускуналар ишлаб турибди, — деди қоровул.

Сўнг у Муртазо ака Асановни қақирди. Халиде отасидан уйлари эшитинган калитини олarkan, ҳамон халида муҳтарам волидаси, меҳрибон دادаси ҳақида айтилган ширин сўзлар нари кетмасди. Айни пайтда у завод цехларини айланишни қоровул айтган шовкин-судонни эшитишни, ускуналарни ўз кўзи билан кўришни, 1943 йилдан бундан отаси меҳнат қилаётган цехда айланб юришни истарди.

Балки ана шу истак мактабни битирган, Халиде заводга етказилганми? Эҳтимол отаси гапириб берган ишчи соломалари, онаси аслаган саодатли сониялар унинг қалбига ўт ёққанми?

У энди отаси, онаси билан заводга катнашди. Етти йил химия лабораториясида ишлади. 1976 йилда онаси оламдан ўтди. Унинг ишини давом эттириш истаги Халидега тинчлик бермади. У 12-цехга ишчи бўлиб келди.

ИККИНЧИ КУН

Халиде аввалига бироз қийналди. Аммо кўллари тез орада кўрғошинга қўндики. Поршеньларни силликлаш ишини обдон ўрганиб олди.

— Илгари ҳам ишлаб юрган эканмиз-да, — дейди Халиде. — Ўтган йили давлат қабули жорий этилган, талаб ўзгарди. Асосий эътиборни сифатга қаратдик. Ҳозир бир кунда 800 та поршень силликлаш керак. Бу кўрсаткичнинг доим 1100—1200 тага етказилган. Ҳаммаси биринчи топиришдаёқ давлат қабулидан ўтмоқда.

У заводда обрў қозонди. Юксак ишонч билдириб, уни коммунистлар сифига қабул қилди. Ҳаммаот ишларини ҳам сиқилдиладан уйдлади. Ёғишмоёл район партия комитети аъзоси сифатида катта-катта муаммолар ҳақида ўйлади.

— Ҳозир завод партия комитети аъзоси экансиз. Сизга қандай топириқ юклатилган? — сўраймиз ундан.

— Ёшлар билан ишлаш топириқларини, Комсомол ташкилотига ёрдам беришман, — Энг яхши топириқингиз ким?

— Бу савол уни бироз ўйлатди.

— Шогирдларнинг ҳаммаси ҳам яхши. Агар шогирд ёмон бўлса, демек устозини ёмон қилибди. Мен иш ўргатганлар орасида Клара Оқилова ажралиб туришини айтмоқчиман, холос.

— Ўртача маошингиз қанча?

— 250—300 сўм оламан ойига.

— Завод ҳақида қисқа қилиб нима-нани айтмоқчи?

— Киши ўз уйи тўғриси-

да нима дейиши мумкин? Заводга келиб иқбод, бахт топдим. Киши меҳнат билан удуғ эканлигини англадим.

УЧИНЧИ КУН

Уни аввал ўзи билан бирга заводда ишлаётган опаси Алие табриклади:

— Янги квартирга қачон кўчасан сингил?

— Кейинги ҳафта ҳовли тўйи...

Шинам квартирга кўчиб киришган кунни ўғли Руслан инжиклик қилди.

Мен бу ердаги мактабга бормайман. Олдинги мактабимда дўстларим бор. Уларни қандай ташлаб кетаман, — деди у.

— Майли болам, олдинги мактабимда ўқий берасан. Бирга қатнаймиз.

Мана тўрт йилдирки, улар бирга қатнашди. Халиде — заводда, ўғли — корхона ёнидаги мактабга. Яқинда Руслан заводга келди. Уни қоровул ичкарига киритмади.

— Мен Валиуллаевнинг ўғлиман, — деди у.

— Ҳа, Муртазо аканинг неварасимсан? Бобонг яхши юрибдиларми?

— Ҳа, бизникига келиб турадилар. Дам олиш кунлари у кишини кўришга биз борамиз.

— Онам Халиде кўп ажойиб аёл-да. Одобли, меҳнатнаш, Заводда уни ҳамма ҳурмат қилади.

Русланинг кўзи тақнади. Юзига гурур аломати пайдо бўлди. Кўп ўтмай етиб келган онасини кўчиб олди.

— Фақат аёлга ўқийман, — деди у. — «Илгор ишчи-нинг ўғли аълочи бўлиши керак», — дегандаи ўқитувчимиз. Демак, мен ҳақимда гапирган эканмиз...

Унинг мушоҳадаси онанинг кўнглига саодат экинни олиб кирди.

Она ва ўғли йўлга чиқиди. Улар олдида хали қанча саодатли кунлар бор...

Ж. МАМАТОВ.



Ўзбекистон ССР Рассомлар союзи кўرғазмалар залида Хиндистоннинг СССРдаги фестивали кунлари доирасида «Менинг элим» — менинг ерим» деган кўрғазма очилди.

СУРАТДА: купол Хакимжаи выставка кўрғазма томошабинлари билан.

Р. НУРИДИНОВ ФОТОС, [ЎЗТАГ].

Орол тақдири — инсон тақдири

«Орол» — Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузурида жамоатчилик асосида тўзланган «Орол» комитети ва Ўзбекистон табиати муҳофазаси этиш республика жамияти кенгаши эълон қилган тематик конкурс ана шундай, деб аталади. Конкурсда қатнашиш учун Ўрта Осиё республикалари ва Қозғистондан, шунингдек мамлакатимизнинг бошқа регионларидан ёзувчилар, журналистлар, кинематографчилар, рассомлар, композиторлар тақлиф қилинади.

Конкурсни ўтказишдан мақсад — бир неча қардош республикалар территорияларидан катта майдонларни қамраб олган Орол дегизми зонасидаги ҳақида бутун Орол атрофидаги экологик муҳитни қатъий яхшилаш зарурлиги билан боғлиқ проблемаларни пропаганда қилишни кучайтиришдир. Бу конкурсга нашриётларда ёки вақтда матбуотда йил давомида эълон қилинган, бадиий кўрғазмаларда, телевидение ёки кино экранларида, театр сахналарида намойиш этилган, жўроқлик концертларида янграган асарлар қабул қилинади.

Конкурс қўлбўйларни учун ҳар бири минг сўмдан иборат бешта мукофот, шунингдек кўрамақа тақлиднинг тегишли ишчилар бериладиган.

Тақлифларни Ўзбекистон Ёзувчилар союзи ҳузуридаги «Орол» жамоат комитетига ва табиати муҳофазаси этиш республика жамиятига юбориш тавсия этилади.

(ЎЗТАГ).

• Йўқолсин хурофот

«АВЛИЁ» ФОШ БЎЛДИ

Навбахор районидagi Арабхона қишлоғидан чиққан авлиёни излаб бораганимизда бизни жинси шим, катта қўйлак кийган йигирма беш-йигирма олти ёшлардаги йигит қарши олди. У худди биз излаб келган «авлиё» — Одил Нуров экан.

У бизни уйига тақлиф қилди. Стол атрофида ўтиргач, мудоагага кўчиди.

— Сизнинг доврунгиғиз ни эшитиб, узоқдан ахтариб келдик. Бизга фақат сиз ёрдам беришингиз мумкин. Япония енгил машинасини ўғирлаб кетишди. Уч ойдики, ахтарамиз, лекин дарағи чикмапти.

— Мушкулдигани енгил қилишим мумкин.

У уй тўғрисида қўйлакчага чўккалаб, устига оқ чойшабни ёпди. Киши тушуниб бўлмайдиган тилда дуо ўқиб бошлади. Овози гоҳ кўрилар, кўпинча англаш қийин оҳангда шивирларди. (Кейинчалик Нуровнинг наинки арабчани ўқийси, ёзиши, ҳатто бирон бир сўрани ёд билмаслиги маълум бўлди). Орадан бир вақт ўтганда, «авлиё» дуосини давом эттирган ҳолда кўрсини қасди, пишиллашга, кейин эса қалтирашга ўтди. У гўлдираб, шундай қалтиришдики, оқ чойшаб тағдиради гавданинг титрашига қараб ҳақ қандай киши хайратдан ёна ушларди. Омироқ одам бўлса, унинг авлиёлигига чип-пачин ишонарди.

Ниҳоят, қалтираш тинди. «Авлиё» тошдай жим қолди. Сўнгра қиқиллаб йиғлашга тушибди. Йигирини аста-секин тийиб, бошидан чойшабни олди. Унинг юрачадан келган юзи бўғриқиб кетган. Кўзлари қизариб туради. Паршон ва ҳоринг қиёфасини ўзгартирмай, секин келиб стулга чўкди.

— Машинанигиз топилди, — деди у. — Уч кундан кейин келасиз. Албатта, топиб бераман.

«Авлиё» ана шу тарзда тузоққа олинди. Бизнинг ҳеч қандай машинамиз йўқолмаган эди.

Одил Нуров ким? У қандай қишлоқ бу йўлга кирди? Ҳақиқатини билганимизда йигирма йилларнинг айтишича, унинг ота-онаси меҳнаткаш кишилар бўлган. Карим Нуров, Саломат Жабборовлар умрларининг охиригача «Гигант» совхозда меҳнат қилишди. Улардан икки фарзанд қолди. Саида ва Одил. Опаси ҳозир уй бекаси.

Одил қишлоқдаги мактабни 1977 йилда тугатди. Совхозда бироз ишлагандан кейин армияда хизмат қилди. Хизмат тугагач, 141-механизациялашган кўчамола-кадар 1986 йилнинг ёнига қадар пардозловчи бўлиб ишлади. Шу орада район марказий касалхонасида ишлаган Майсара Гаффоровага уйланди.

Қўриб турибдики, унинг таржimai ҳоли тендошла-риникига ўхшади. Бироқ 1985 йилнинг ёнidan кейин бирдан ўзгарди-қолди. Шундан кейин унингизга бора-ман. Сизни дуодан қўйиб, дардан ҳам бир йўла халос қиламан.

Уч кун нима деган гап, кўз очиб, юмгунча ўтиб кетди. Лекин ана шу қисқа муҳлат Ризоқулнинг минг йилдай туюлиди. Қарийб уч ойдики дардини бирдай тортиб, уни оқ ювиб, оқ тараб ўтирган хотини олдида ўзини гуноҳкор сезади. Ахир, у ҳеч бир аёлга ўзгача кўз билан қарамаган! Қандай қилиб, улардан дуо кетиши мумкин... Хотиннинг ҳам кўнгли хуфтон, хаёлига турли хил ўй келди.

«Авлиё»нинг иззат-қиром билан машинада олиб келишди. У тандир ёнидан ўч жойдан тупроқ қовлатиб олиб келди. Беморин ана шу тупроқ уюмига чаппа қара-тиб, роса қироат қилди. Кейин тупроқни титкабди, бир ўрамдаги кичкина нарсани олди. Унинг ичидан тирноқ, иккикта чоқ толаси, мойли нарсачи қолди.

— Ана, мана шу билан сизни дуо қилишган. Яхшиямки, уларни ўз вақтинда топдик. Буларга таъзия-гиз амри маҳол эди.

Бир товуқни сўйдирди. Беморнинг бошидан уни уч марта айлантириб, ҳеч ким кўзи тушмайдиган ерга ташлашни буюрди.

— Ана, мана энди отдай бўлиб кетасиз.

У яна нималариндир гул-

дираб ўқиди. Назр ниязини чўткача уриб, уйига равона бўлди. Ҳақиқатан орадан бир неча кун ўтмай, Ризоқул ўзига ўзгариш сеза бошлади. Шу пайтгача эл-бозорда бўлиб ётган оёқларда бироз жонланиб пайдо бўлди. У шу пайтда организмидан бу ўзгаришлар касалхонадаги доридорларнинг таъсири эканлигини ҳали билмасди.

Одилнинг бу давоси атрофда яшайдиган таркалди. Миш-мишлар пуфга шиша-шиша, уни ҳақиқий «авлиё»га айлантирди — қўйди. Энди кўнглигига товуқ қистирган одамлар унинг уйи олдида аримас, қабулга киришга соатлаб эмас, кунлар навбат қотишарди. Довруғини эшитиб турли район ва областлардан келган машиналарни кўларверинг. Айрим кунлари улар тизими қишлоқнинг тор кўчасига сиймаб кетарди.

Елгонинг умри қисқа. Бу гап ҳам шундай бўлди. Лекин бу сир очилгунча, қандайдан қанча кишилар алдан-дилар, беҳудага вақтларини, пулларини соғирдилар. Уша Ризоқул Гиевонини олайлик. «Авлиё»нинг шифоси ҳеч бир кор қилмади. У орадан кўп ўтмай ана тўшакка михлиб қолди. Фақат Самарқанддаги нерв-хирургия касалхонаси шифокорларининг операциясида кейингина оёқга турди. Ҳозир бемалол юради.

— Одил алдамчи ва фиррибгар экан, — дейди у. — Сал бўлмаса, олимаизга ҳам раҳна солай деди. Шифокорларга раҳмат, Мени оғир дардан халос қилишди. Нуровга ўхшаган «авлиёлар» жамиятимизда бўлмаслиги керак.

Кармана шаҳар Чапаев кўчасидаги 24-уйда яшовчи Рустам Аминов ҳам шундай фикрда. Унинг қўниси Норм Файезова эса, фиррибгардан бошқалардан кўпроқ

жабр торди. Қўп йиллардан бундан буён бўлиб ётган қизи ва неварасини даволайман деб уни «авлиё» уч ой алдаб юрди. Турган гапни, беҳудага эмас. Бу вақт мобайнида у Файезованинг тўрт палоси ва кўлаб пулларини турли йўллар билан қўлаб олди.

Юқоридагилар биз билган фактлар. Яна қанчадан қанча соддалик кишилар «авлиё» туюғига иланимда, дейсиз.

Ушбу мақола бундан бир йил муқаддам таъбирланган эди. Уша пайтда «авлиё»нинг асл башараси хали кўп-ларга маълум эмас, у фол-очар, дохонлик, табиблик қиларди. Сирни ошкор бўла бошлагач, бирдан у руҳий касалга айланиб қолди. Касалхоналарга борди. Фақат Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлигига қарашли руҳий касалликлар шифохонаси комиссиясининг махсус текширишидан кейин О. Нуровнинг ҳеч қандай руҳий давога муҳтож эмаслиги аниқланди.

Айни келда унинг фиррибгарлиги устидан тергов ишлари ақлланяпти. Тез орада суд олдида қилишлари учун жавоб беради.

Бизни масаланинг бошқа жиҳати кўпроқ қизиқтиради. Кишиларнинг Нуровга ўхшаган «авлиёларга» ишониш «касаллигини» қандай даволаш керак? Навбахорда юз берган ушбу воқеа, унинг аччиқ оқибатлари бошқаларга сабоқ бўлармикин? Ҳамма гап ана шунда.

Хусусан, «Гигант» совхозда рўй бераётган ўзгаришлар кишини хурсанд қилди. Янги раҳбарлар асли халотларни тақдорламлиқ учун анча ишларни қилишди, сийсий-тарбиявий ишларга эътибор қўйди. Шу билан бир қаторда бу ерда муаммолар ҳам, камчиликлар ҳам оз эмас. Жўмладан, Арабхона қишлоғида атеистик тарбиянинг таъсирчанлигини ошириш керак. Хали кўп хўжалиқларда идеологик, сийсий-тарбиявий ишлар давр талаблардан орада қолпяти, жойларда замонавий айналарни жорий қилишда ташаббускорлик, ижодий ишлаш хусусиятлари етишмапти.

А. ҚОҲЖОВОВ, «Совет Ўзбекистони» муҳбири.

АХБОРОТ

ФОНДАЛИ ТАЖРИБА

◆ Москвада, СССР Халқ хўжалиги ютуқлари выставасида Кўрғотепла районидagi Фрунзе номи совхоз тажрибасига бағишланган кўрғазма ташкил этилди.

Уруғчилик ва қартоқчиликка ихтисослаштирилган совхоз миришкорлари тўплаган тажриба кўпчилигиде қизиқши уйғотмоқда. Бу ерда йилга 100 тонна сабзавот уруғлари, 5 минг тонна уруғлик қартоқча таъбирланмоқда. Уруғчиликдан келатган фойда 2 миллион сўмини ташкил этади. Совхоз тажрибаси Қозғистон, Украина, Озарбайжон ва бошқа республикаларнинг хўжалиқларида қўлланиладиган бўлди.

Б. ДУХНЕВИЧ

КИНОЧИЛАР ХИЧМАТИ

◆ Шахрисабзда меҳнат-кашларга кино хизмати кўрсатиш яхши йўлга қўйилган. Ўтган йил мобайнида план 100 процент бажарилиб, киносаварларга 3200 марта фильм кўрсатилди.

Кинофестиваллар, байрам ва саналарга оид туркум фильмларнинг намойиш этилиши, айниқса, диққатга сазовор. «Ўзбекфильм» маҳсулот «Армон» бадиий фильмининг 69 минг томошабин кўрди. Киномеханиклардан Рафаэл Файзуллин, Мансур Остонов, Сайфулла Исмолов ва бошқалар хизматидан кўпчилик мамун.

С. ХАЗРАТҚУЛОВ

ХАЛҚАЛИ УЛЖА

◆ Урганчлик овчи Р. Ханиновнинг бу сафарги ўлжаси бошқаров эди. Оқ қоратир ўрдак оёғида халқча бўлиб, унга «С-427038» рақамлари ёзилган эди.

Овчи 30 йиллик тажрибасидан бундай паррандаларни СССР Фанлар академияси қоидадаги халқаша марказида жунашди лозимлигини яхши биларди. У шундай қилди. Маълум бўлишича, ўрдакнинг бундай тури Қора денгиз бўйида ва Узоқ Байкал даштларида яшаркан. Ўрдаклар оммавий учиб пайтда катта масофани босиб ўтиб Хоразм воҳасига келиб қолган бўлиши мумкин.

С. СОЛАЕВА

◆ Шунингдек, редакцияга янгибўлган И. Гутжаев, Балқич районидан И. Абдулаев, Ульенов районидан П. Пиримқулов, олмалиқлик Г. Алимова, Каттақўрғондан Ж. Тўқсонов, навоийлик Х. Сангинов, Избоскан районидан Б. Мавлонов, Поп районидан Ю. Бойчаев ва бошқалар ҳам қизиқарли хат-хабарлар йўлаган.

ТУЗАТИШ

Газетанинг 31 январь сони 4-бет, 5-устунининг 1-абзаци юқоридан 32—37-сатрларидаги жумла қуйидагича ўқилсин: «Социалистик мусобақани ташкил этишда ҳозирча пешқадамни ажратиб кўрсатишга касба соҳаларининг асосий иши бўлиб қолган».

(ЎЗТАГ).

Редактор ўринбосари Т. НАЖМИДИНОВ.

РАДИО

БИРИНЧИ ПРОГРАММА, 8.30 — Кўнгли таронаси. 9.30 — Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти лауреати Ш. Ёлдошев чалади. 9.45 — Советлар ва қайта қуриш. 12.10 — Ишчиюма. 12.30 — «Номгўлм қуш». Романдан парча. 13.00 — Маши. 13.30 — Самоцвети ансамбли икром отади. 14.00 — Кишлоқ хўжалик ходимлари учун эшитириш. 15.00 — Олис масофаларда ва мураккаб шароитларда хизмат қилаётган гидрометеостанциялар ходимлари учун эшитириш. 15.40 — «Маралик дарси». Ҳикоя. 16.00 — Веш илаланининг меҳнат суръатлари 18.15 — Фактлар ва уйдирмалар. 18.30 — Ўзбекистон композиторларининг ишчи асарлари. 19.20 — Юность узбекистана. 19.50 — Халқаро кундалик. 20.15 — Музана. муаммолар, мулоқотлар, танқид. 21.10 — Элга хизмат — олий ҳиммат. 21.30 — Чорвадорлар учун концерт. 22.45 — Шу кўннинг қўшиқлари.

Ректор ўринбосари Т. НАЖМИДИНОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
КАФЕДРАЛАР БЎЯНЧА
ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР СОСТАВИДАГИ
ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

доцентлар: кечки ва сиртки факультетларда марксизм-ленинизм (2—тарих фанлари кандидати), педагогика (педагогика фанлари кандидати), умумий тилшунослик, француз тили грамматикаси ва тарихи (филология фанлари кандидати);
доцент (филология фанлари кандидати): катта ўқитувчи (филология фанлари кандидати), кечки ва сиртки факультетларда инглиз тили катта ўқитувчиси;
катта ўқитувчилар: марксизм-ленинча фалсафа (фалсафа фанлари кандидати), инглиз тили стилистикаси, иккинчи чет тили сифатида инглиз тили (филология фанлари кандидати);
катта ўқитувчи: филология фанлари кандидати;
ўқитувчи: француз ва немис тили факультетларида рус тили ва адабиёти;
ўқитувчилар: кичик курсларда инглиз тили лексикаси, француз тили фонетикаси, француз тили лексикаси ва стилистикаси;
ўқитувчи: немис тили (0,5 ставка), кечки ва сиртки факультетларида немис тили (0,5 ставка), лотин тили (0,5 ставка), испан тили,
Конкурс мuddати — 20 февралгача.
Адрес: Тошкент шаҳри, Мўминий кўчаси, 104-уй, кадрлар бўлими.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ
кафедралар бўйича вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: ўқув жараёнини илмий ташкил қилиш, математика ўқитиш методикаси;
доцентлар: диалектик ва тарихий материализм, илмий атеизм, этика ва эстетика, сийсий иқтисод, мактаб гигиенаси ва физиологияси, болалар психологияси, ўзбек адабиёти, умумий психология, рус тили ва уни бошланғич синфларда ўқитиш методикаси, алгебра ва сонлар назарисини, СССР тарихи, дефектология ва сурлопедагогиканинг клиник асослари, табиёт теорияси, таъсирий санъат ва чизмачилик методикаси, ишлаб чиқариш асослари, физика методикаси, умумий ва экспериментал физика, электр ва радиотехника, биология ва уни ўқитиш методикаси, табиёт факультетларидаги илмий гуруҳларда рус тили;
катта ўқитувчилар: раиғ тасвир, бошланғич таълим фанлари методикаси, халқ чолгу асбоблари, рус тили ва адабиёти методикаси, комсомол ва пионер ишларини ташкил қилиш методикаси, алгебра ва сонлар назарисини, табиёт факультетларида жисмоний тарбия, табиёт факультетларида чет тиллар, олигофренопедагогика ва логопедия, хор дирижерлиги, педагогика;
ўқитувчилар: илмий коммунизм, мактабгача тарбия педагогикаси, хор дирижерлиги, фортепиано, олигофренопедагогика ва логопедия, ахборот-хисоблаш техникаси, комсомол ва пионер ишларини ташкил қилиш методикаси, қрим татар филологияси, педагогика;
Конкурс мuddати — 27 февралгача.
Хужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳри, 64-алоқа бўлими, Педагогика кўчаси, 103-уй, кадрлар бўлими.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
Граждан авиациясининг 243-заводи қошпада
20-УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1988—1989 ўқув йили учун
қуйидаги мутахассислар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР КАБУЛ ҚИЛАДИ

Авиация двигателлари слесарь-йигувчиси, учиб аппаратлари слесарь-йигувчиси, авиадвигателлар ремоти бўйича слесарь, учиб аппаратлари ремоти бўйича слесарь, учиб аппаратлари электр-монтажчиси.
Ўқиш мuddати 1—3 йил.
Ўқишга қабул қилинганлар тўлиқ давлат таъминотида бўладилар. Бир йиллик гуруҳда ўқувчиларга стипендия берилади.
Ўқиш мuddати меҳнат стажига қўшилади.
Билим юртига фақат Тошкент шаҳрида яшовчилар қабул қилинади. Билим юрти ўқув ва дам олиш учун барча зарур шароитларга эга. Спорт секциялари, тўғараклар, вокал-чолгу ансамбли бўлади.
Билим юрти директори номига ариза ёзиб, унга қуйидаги хужжатлар илова қилинади: ўқиш жойидан характеристика, маълумоти ҳақида гувоҳнома, ота-оналарнинг яшаш ва иш жойларидан справкалар, медицина справкаси (286-форма).
Билим юртига хужжатлар бўйича конкурс ва суҳбат ўтказиш йўли билан қабул қилинади.
МАШҒУЛОТЛАР 1988 йил 1 СЕНТАВРДАН БОШЛАНАДИ.
Хужжатлар ҳар кун соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.
Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Граждан авиациясининг 243-заводи, (25, 40, 61, 66, 161-автотуслар, 1, 2, 10-трамвайларнинг Г. А. «Авиаторлар» бекати).

БУЮРТМАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
«Узавторемонт» республика саноат бирлашмасининг